O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI NAMANGAN VILOYATI HOKIMINING

Q A R O R I

Namangan sh. Istiqlol ko`chasi 57.

2022 - yil 3 - oktabr 602-6-0-Q/22 Namangan viloyati hokimligi

Наманган шаҳар тиббиёт бирлашмасига қарашли 2-сон оилавий поликлиникаси фаолиятини бошлашга рухсат бериш ҳамда мазкур поликлиникага аҳолини бириктириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ–6110-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 19 январдаги 09-07/1341-сон хати ҳамда Наманган шаҳар ҳокимининг 2022 йил 28 мартдаги 01/20-2029-сон таклифига асосан, Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6 ва 25-моддаларига мувофиқ,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Наманган шаҳар ҳокимининг "Наманган шаҳар тиббиёт бирлашмаси тизимидаги 2-сон оилавий поликлиникаси қамраб олган аҳоли сони камайиб кетаётганлиги сабабли, яқин ҳудуддаги маҳалла аҳолисини қўшиб бериш ҳақида" 2022 йил 28 мартдаги 01/20-2029-сон таклифи маъқуллансин.

2. Наманган шаҳридаги 2-сон оилавий поликлиникаси фаолиятини бошлашга рухсат берилсин ва яқин ҳудуддаги “Амир Темур” (2 399 нафар), “Чинор” (2 769 нафар), “Чорсу” (2 650 нафар), “Шарқ Тонги” (1 485 нафар) маҳалла фуқаролар йиғинларининг жами 9 303 нафар аҳолиси поликлиникага бириктирилсин. Бунда, 2-сон оилавий поликлиниканинг умумий аҳоли қамрови 25 157 нафарни ташкил этиши белгилаб қўйилсин.

3. Наманган шаҳар ҳокимлиги (Ғ.Джамалов):

Соғлиқни сақлаш бошқармаси (А.Иминов) билан биргаликда Наманган шаҳар “Амир Темур”, “Чинор”, “Чорсу” ва “Шарқ тонги” маҳалла фуқаролари йиғинларининг жами 9 303 нафар фуқароларини 2022 йилнинг 1 октябридан 2-сон оилавий поликлиникага ўтказсин;

аҳолининг тегишли барча амбулатор карталар ва тиббий ходимларни шахсий ҳужжатларини ўзаро топшириш ва қабул қилиш далолатномаларини расмийлаштирсин;

2-сон оилавий поликлиника таркибида бўлган ўзгартиришларни ваколатли идоралардан рўйхатдан ўтказсин.

4. Соғлиқни сақлаш бошқармаси (А.Иминов) вилоят Молия бош бошқармаси (З.Бахриддинов) билан биргаликда поликлиника штатлар жадвалини қайта кўриб чиқсин ва ҳудудий молия бўлимида рўйхатдан ўтказсин.

5. Статистика бошқармаси (С.Мелихўжаев) билан биргаликда 2-сон оилавий поликлиникага аҳоли бириктирилиши муносабати билан статистик ҳисоботларга тегишли ўзгартиришлар киритсин.

6. Ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан вилоят ҳокимининг 2022 йил 22 июлдаги 471-6-0-Q/22-сон қарори ўз кучини йўқотган деб топилсин.

7. Мазкур қарор “Наманган ҳақиқати” ва “Наманганская правда” газеталарида эълон қилинсин ва вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин, ушбу қарор расман эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

8. Ушбу қарордан норози бўлган шахслар белгиланган тартибда тегишли ваколатли органга ёки судга шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари Ғ. Муродхужаев зиммасига юклансин.

Viloyat hokimi **Sh.Abdurazakov**